

ХАСАНОВА Дилбар Каримджановна
Ўзбекистон халаро ислом академияси
“Чет тиллари” кафедраси ўқитувчиси
e-mail: d.xasanova@iia.uz

ДИНШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН СОҲАГА ОИД ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

РАЗРАБОТКА УЧЕБНОЙ ПРОГРАММЫ ПО ПРЕПОДАВАНИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ

DEVELOPING A CURRICULUM FOR TEACHING PROFESSIONAL ENGLISH FOR RELIGIOUS STUDIES STUDENTS

Аннотация: Ушбу мақоланинг асосий йўналиши Ўзбекистон олий таълим муассасаларида диншунослик йўналишлари бўйича олиб борилаётган амалий лингвистик тадқиқотлар инглиз тили дарсларининг мазмуни ва ушбу соҳа учун дастурларига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ўрганишдан иборат. Соҳага оид хорижий тилни ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқотга асосланган ёндашув ўқув дастурининг дизайни ва мазмуни яхшиланган натижалар бериши очиб берилади. Ушбу мақоланинг диққат марказида дастурни амалга ошириши ва баҳолаш эмас, балки тадқиқот ва дизайн ва мазмун ўртасидаги интерфейс ҳисобланади. Ушбу тадқиқот учун Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабалари ёрдамида амалга оширилган соҳага оид хорижий тил ўқув дастурини ишлаб чиқиш лойиҳасининг кейс тадқиқоти ва натижаларидан фойдаланилган. Мақолада ушбу соҳага оид хорижий тил ўқув дастури ишлаб чиқилган назарий тамойиллар кўрсатилган ва сўнгра ҳулосаларни ушбу соҳа эҳтиёжларига интеграциялаш босқичлари кўрсатилган.

Калим сўзлар: чет тиллари, ўқув дастури, дизайн, ўқитиш усуллари, таълим, таҳлил, соҳага оид хорижий тил, нутқ.

Annotation. The primary focus of this article is the investigation of how current applied linguistic research into the religious studies directions in the higher education settings in Uzbekistan can impact English lessons content and design for this sphere. It is argued that a research-based approach to English for specific purpose (ESP) syllabus design and the content will yield improved outcomes. It is the interface between the research and the design and content, rather than the implementation and the evaluation of the program, that is the focus of this article. A case study of an ESP curriculum development project was carried out with help of students of higher education in Uzbekistan and the result is used for this investigation. The article outlines the theoretical principles upon which this ESP syllabus was developed and then traces the steps in integrating the findings into the needs of this field.

Key words: foreign languages, curriculum, design, teaching methods, education, analysis, ESP, speech.

Аннотация. Основное внимание в этой статье уделяется исследованию того, как текущие прикладные лингвистические исследования в области религиоведения в учреждениях высшего образования в Узбекистане могут повлиять на содержание и дизайн уроков английского языка для этой сферы. Утверждается, что основанный на исследованиях подход к разработке учебной программы по английскому языку для специальных целей (ESP) и содержанию приведет к улучшению результатов. В центре внимания этой статьи находится интерфейс между исследованием, дизайном и содержанием, а не реализация и оценка программы. Было проведено тематическое исследование проекта разработки учебной программы ESP с помощью студентов высших учебных заведений в Узбекистане, и результаты используются для этого исследования. В статье излагаются теоретические принципы, на основе которых была разработана эта программа ESP, а затем прослеживаются шаги по интеграции результатов в потребности этой области.

Ключевые слова: иностранные языки, учебная программа, проектирование, методика обучения, обучение, анализ, речь.

КИРИШ

Мамлакатимиздаги диншунослик йўналишида кадр тайёрлайдиган ОТМ лар, хусусан ЎзХИА, БухДУ ва ТерДУда инглиз тилини соҳага оид хорижий тил сифатида ўқитиш амалга оширилмоқда. Бўлажак диншуносларнинг диний ва маънавий-

маърифий масалалар билан боғлиқ илмий-тадқиқот муассасаларида, давлат бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмида, Ўзбекистон мусулмонлари идорасида, диний ташкилотларда, ҳуқук-тартибот органларида, ва қолаверса, нодавлат ва нотижорат ташкилотларда, тарихий, маданий, маънавий меросни ўрганиш марказларида, манбашунослик йўналишларида фаолият юритишларини ҳисобга оладиган бўлсак, инглиз тилига бўлган талабни ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. Аммо, диншунослик йўналиши талабаларининг оғзаки ва ёзма нутқда ханузгача оқсоқланиш ҳолатлари кузатиладики, бу уларнинг касбий фаолияти давомида зарур бўладиган компетенциясига таъсир ўтказмай қўймайди. Уларнинг касбий компетент қилиб тарбиялашда, инглиз тилининг ҳам ўрни бор [3:84].

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда инглиз тили хорижий тил сифатида ўрганилса-да, ушбу тилда яратилган ўқув материаллари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. [5:4550] Гарчи, ўқув адабиётлар, намунавий дастурлар, улар асосида яратилаётган силлибуслар ҳар тўрт компетенцияни оширишга қаратилган бўлса-да, талабаларда ушбу тилда бенуқсон мулоқот қила олиш маҳорати тўлақонли шаклланган деб хулоса қилиш қийин бўлиб қолмоқда. Асосий оғзаки нутқда учрайдиган камчиликлардан тил ўрганувчиларнинг ўз она тилисининг талаффузининг аралашуви ва нутқдаги грамматик хатолар билан мулоқот қилинишини мисол қилиб келтирсак бўлади. Лекин, Форсейнинг [3:320] фикрига кўра, мулоқот вақтидаги хатоларга фақатгина грамматик хатолар ва ножўя талаффуз ҳақидаги анъанавий тушунчалар билан боғлиқ бўлибгина қолмай, ўзаро мулоқотнинг камлиги ва дискурсив таҳлилнинг камлиги, шунингдек аутентик материаллардан фойдаланиш ва уларни тушуниш билан боғлиқ.

Ҳозирги пайтда ўқув юртларида тузилаётган намунавий дастурлар компетенциявий ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиб тузилаётган бўлса-да, талабаларга грамматикага асосланиб ўқитиш ёндашуви амалда сақланиб қолганлиги кузатилади. Бундан ташқари тузилаётган дастурларда талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат тарихи ва маданиятидан хабардор эканлигини кўрсатувчи маданиятлараро компетенциясини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилиши лозим. Зеро, маданиятлараро мулоқот компетенциялари тушунчаси остида ўз ва ўзга маданият ўртасидаги муносабатни англаш хорижий тилни ўрганишда муҳим рол касб этади. “Ўзга маданият вакиллари билан мулоқотда маълум бир стратегияларни қўллаш олиш, ўз ва ўзга маданият орасида маданий воситачи бўлиш, маданиятлараро мулоқотда юзага келадиган тушунмовчилик ва зиддиятчи ҳолатларда ечим топа олиш салоҳияти тушунилади”. [10:50] Тузилаётган силлибусларда тили ўрганилаётган халқнинг турмуш тарзи, кадриятлар, инсонлар орасидаги муносабалар, анъаналар, суҳбат давомидаги ман этилган мавзуларга (ойлик маош, кийимнинг нархлари ҳақида саволлар бериш, дин, ўлим ва шунга ўхшаш шахсий характерга эга саволлар) эътибор қаратилиши зарур.

Палтрич [6:290] охириги ўн йилликда инглиз тилини соҳага оид хорижий тил сифатида ўқитишда жанрга асосланган тадқиқотлар (Genre based studies), яъни оғзаки ва ёзма матнларни таҳлил қилиш, дискурсив таҳлиллар (унинг натижасида тил бирлиги бўлган гапнинг янги ўзига хос лингвистик қирралари очилади) [2:516], корпус лингвистикаси (компьютер техникаси ёрдамида тилшунослик корпусини куриш ва улардан фойдаланишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқадиган бирликларни яратадиган компьютер тилшунослиги) ёрдамида мулоқотда учрайдиган турли хил сўз ва ибораларни инновацион тамойилларни тақдим этилаётгани ҳақида ёзади. Биз соҳага оид хорижий тил ўқитиш учун ўқув дастур тузишда унинг хулосаларига асосланиб,

қолаверса олиб борилган талабалар таҳлили натижаларини ҳисобга олиб, мавжуд ўқув режага ўзгартиришлар киритишга қарор қилдик. Бхатия [1:161] таърифлаганидек, “дискурсив ва касбий амалиётнинг интеграцияси” сига эришиш учун жанрга асосланган тадқиқотлар таҳлили ҳам ўрганилди.

Компетенциявий ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиш таълим сифатини комплекс бошқариш, замонавий дидактик воситаларни дарс жараёнида қўллаш олиш, талабаларнинг креатив фикрлашга ундаш, танқидий таҳлил қила олтшини таъминлайди. Зеро ушбу ёндашувга асосланиб ўқитишда, талабалар синфдан ташқари ҳолатларда дуч келадиган вазиятларни дарсда қўллаш олишлари асосий омил бўлиб хизмат қилади. Инглиз тили дарслари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, дарс жараёнида ўрганиладиган ариза, резюме ёзиш, виза билан боғлиқ ҳужжатларни тўлдириш, шахсий тиббиёт варақасини изоҳлаб бериши, сотиб олинган техник ускуналар йўриқномасини ўқиб тушуниш, соҳага оид мавзулардаги янгиликни эшитиб тушуна олиш каби аутентик вазиятларни ташкил этиш компетент ёндашувнинг асосий қисми ҳисобланади. [7:100] Гарчи талабалар салоҳиятли, омилкор, билимдон, компетентли бўлиш учун амалда қўллаб қўриши керак бўлса-да, компетенция бу амалий машғулот эмас. Компетенция шунчаки талабани баҳолаш ёки вазифани яхшироқ бажариши учун эмас, балки тилни контекста мослаб қўллаш олиш ҳамдир.

Диншунослик таълим йўналиши талабалари билимининг назарий ва амалий мазмунини такомиллаштириш, креатив фикрлашини ривожлантириш, тилни контекстда кўра қўллаш олиш кўникмасини шакллантириш ва қолаверса, касбий фаолиятида зарур бўладиган касбий сифатларини шакллантиришда компетент ёндашувга асосланиб дарс олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Компетенциявий ёндашувга асосланиб дарс олиб борилганда касбий сифатларни шакллантириш учун қуйидаги компонентларни ўз ичига олган тизимни йўлга қўйиш талаб этилади.

Касбий сифатларни шакллантиришга қўмаклашувчи компонентлар	Уларнинг афзалликлари
Махсус билим ва кўникма	Бир умрлик кўникма бўлиб шаклланади
Талабанинг дарсдаги иштироки бўйича аниқ критерия	Айнан қайси кўникмага эътибор қаратиш кераклиги аниқланади
Ҳар бир талабага мослаштирилган индивидуал ёндашув	Педагог уни шахс сифатида кўпроқ ўрганади ва турли хил кўрсатмага эга вазифалар орқали шахсий компетенциясини оширади

Касбий сифатларни шакллантиришга қўмаклашадиган компонентларнинг биринчиси бўлган махсус билим ва кўникманинг афзаллиги – қийин ва янги вазиятларда қўллаш олишга ундаши. Билим ва малаканинг синфдан ташқарида, реал вазиятларда ишлата олиши учун педагог принципларни ҳамда улардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргата олсагина, ҳаётий кўникмалар шаклланади. [4:42] Фавқулотда қарор чиқара олиш (decision-making skill), гуруҳ бўлиб ишлаш (teamworking), ижодкорлик, кенг омма қаршисида тақдимот қила олиш каби компетент ёндашув орқали шаклланадиган кўникма ва малакалар талабанинг келажакда касбий маслакани шакллантиришда қўмак беради. 2019 йилда кадрлар билан ишлаш бўйича 13 йиллик тажрибага эга бўлган Кандис Дэдмоннинг HR morning кадрлар консультатив марказига берган интервьюсида гуруҳ бўлиб ишлаш ҳозирги вақтда иш берувчиларнинг талаби эканини ва унинг еттига ижобий сифатини санаб ўтади [12].

ХУЛОСА

Иш жараёнидаги креативлик, лидерлик қобилиятини шакллантириш, яширин иқтидорни юзага чиқариш, вазифа тенг тақсимлани туфайли тежалган қувватнинг оилага сарфланиши, топширикни ўз вақтида топширилиши шулар жумласидан. Бўлажак диншуносларнинг касбий фаолиятида керак бўладиган компетентлилик, хусусан уларнинг

касбий фаолиятларининг объектларидан бўлган, маънавий-тарғибот марказлари, Ёшлар иттифоқи, уларнинг ҳудудий бўлимлари, оила маслаҳатхоналари, маҳалла идоралари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларида маънавий-тарбиявий йўналишлар эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу компонент асос бўлиб хизмат қилади.

Навбатдаги компонентлардан бири бўлган талабанинг дарсдаги иштироки бўйича аниқ критериян ишлаб чиқишга келадиган бўлсак, Ф. Рўзиевнинг таърифига кўра, ўқувчиларни баҳолаш уларнинг интеллектуал-маънавий ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда уларнинг янги билимларни эгаллашга ундаши лозим.[9:50]

Адабиётлар

1. Bhatia V. (2008). Genre analysis. ESP and professional practice // ESP Journal, 27, 161-174.
2. Dubois J., Giacomo M. et al. Dictionnaires de linguistique. – Paris: Larousse, 1973. – 516 p.
3. Forey G., & Lockwood J. (2007). I'd love to put someone in jail for this: An initial investigation of English needs in the business processing outsourcing (BPO) industry. English for Specific Purposes, 26(3), 308-326.
4. Khasanova D. (2019). Does the way of assessing affect the result of testing? "In Trends in Teaching Foreign Language: achievements and Solutions" International Conference (pp. 84-85).
5. Khasanova D., Ulmasbaeva M., & Ikanova L. (2019). It is time to change the subject matter of english at vocational college. EPRAInternational Journal of Multidisciplinary Research, 48-52.
6. kizi Eshboeva D.A., Akbarova S.K., ugli Hafizov A.A., & ugli Asrorov I.F. (2022). Psycholinguistic features of teaching foreign languages to preschool children. Journal of Positive School Psychology, 6(2), 4509-4518.
7. Paltridge B. (2009). Afterword: Where have we come from and where are we now? In D. Belcher (Ed.), English for specific purposes in theory and practice (pp. 289–296). Ann Arbor, MN: University of Michigan Press.
8. Mo'minova D.A. (2019). Translation problems of some english expressions into uzbek in intercultural communication. Buxoro Davlat Universiteti ILMIY AXBOROTI, 3, 98-101
9. Xodjakulova F.R. (2020) Analysis of terminology of literary criticism in English // Наманган давлат университети "Илмий ахборотномаси". 11-сон. 2020.

10. Рўзиев Ф.Ж. ўқувчилар интеллектуал- маънавий даражаси ривожланишида баҳонинг дидактик имкониятлари: дисс. ... Нукус, 2019. – 53 б
11. Юсупова Д.И. «Маданиятлараро мулоқот компетенцияларини шакллантиришда инноватив, интерфаол методлардан фойдаланиш» Современное образование (Узбекистан), no. 12 (97), 2020, pp. 47-55.
12. <https://www.hrmorning.com/articles/team-building-activities/>